32 (414)

2004 йил 11 август

Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2
- Йўл қурган элда азиз
- Истамбулда нима бўлди?

3
- Марҳум футболчилар хотираси ҳамиша ёдимизда!
- Меҳрибонгина Моможон...

4
- Кино китоб ўрнини босмайди (ми?)!
- Турон йўлбарси изидан...

Афина шаҳрида ўтказиладиган XXVIII ёзги Олимпиада ўйинларида иштирок этадиган Ўзбекистон спортчиларига

Азиз ўғил-қизларим!
Муҳтарам спорт мураббийлари!

Авваламбор, сизларни, сиз орқали Ўзбекистон спорт делегацияси аъзоларини дунёдаги энг нуфузли халқаро мусобақа — Олимпия ўйинларида иштирок этиш бахтига муяссар бўлганингиз билан чин қалбимдан самимий мубораклаб этаман. Бугун сиз мустақил Ўзбекистон Республикаси шарафини ҳимоя қилиш учун икки юздан зиёд давлатнинг 16 мингдан ортиқ энг кучли спортчилари иштирок этадиган халқаро Олимпия мусобақаларига йўл олмоқдасиз.

Сизларнинг куч-қувват, ғайрат ва шижоат акс этган навқирон қоматингизга, ғалаба иштиёқи билан чақнаб турган кўзларингизга боқиб, юртимиз фарзандларининг ҳеч кимдан кам эмаслигига яна бир карра ишонч ҳосил қиламиз. Жаҳон миқёсидаги беллашувларда вакилларимиз эришаётган катта ғалабалар ҳам ушбу ҳақиқатни тасдиқлаб турибди.

Табиийки, бундай зафарларни қўлга киритишда миллат ва халқни бирлаштирадиган, мамлакатни дунёга машҳур этадиган спорт соҳасига кейинги йилларда қараш ва эътиборимизнинг тубдан ўзгаргани, баркамол авлод тарбияси йўлидаги узоқни кўзлаб амалга ошираётган улкан ишларимиз мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугун жаҳон аҳлининг нигоҳи қадалган Афина шаҳрига — кескин ва ҳаяжонли курашлар майдони сари йўл олаётган сиз, олимпиадачиларимиз тимсолида ҳам ана шу саъй-ҳаракатларимизнинг амалий самарасини кўриб турибмиз, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Олимпиадада нафақат ғолиб бўлиш, балки унда иштирок этишнинг ўзи ҳам катта бахт, деган фикрда теран маъно бор. Бу нуфузли спорт ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун ҳар бирингиз қанчалик тер тўкиб, тинимсиз машқ қилганингизни, бу йўлда қийинчиликларни мардлик ва матонат, мустаҳкам ирода билан енгиб ўтганингизни минглаб мухлисларингиз, жамоатчилигимиз яхши билади.

Греция пойтахтида ўтажак XXVIII ёзги олимпияда ўйинларида иштирок этадиган спортчилар ва мураббийлардан иборат Ўзбекистон делегацияси 10 август куни Афина шаҳрига жўнаб кетди.

Олимпиада — нафақат спорт беллашувлари, айни пайтда ҳар бир халқнинг маънавий ва жисмоний салоҳиятини кўрсатадиган ўзига хос мезондир. **Ўйлайманки, сизлар кураш майдонларига чиққанда, қандай муқаддас замин фарзандлари эканингизни, қандай буюк зотларнинг ворислари эканингизни асло унутмайсиз ва уларга муносиб бўлишга, миллионлаб ватандошларимизнинг ишончини оқлашга интиласиз.**

Сизларни мардона аждодларимизнинг руҳлари қўллаб-қувватлайди, халқимизнинг меҳри ва умиди сизларга мадад ва қанот бағишлайди.

Сизлар Олимпиада беллашувларида халқимизга хос жасорат ва шижоат, ҳалоллик ва фидойилик фазилатларини яна бир бор намоён этасиз, жонажон Ўзбекистонимизнинг байроғини янада баланд кўтариб, юртимизнинг шон-шуҳратини бутун дунёга тараннум қиласиз, деб ишонаман.

Бугун сизларни масъулиятли сафарга кузатар эканмиз, ҳаммангизни Ватанга, оилангиз бағрига соғ-саломат, ёруғ юз билан қайтишингизни тилаб қоламан.

Барчангизга омад ва зафарлар ёр бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ҲАШАР — МЕҲРИМИЗ ИФОДАСИ

У 14-15 август кунлари юртимизда ўтказиладиган умумхалқ хайрия ҳашарида намоён бўлади.

Саноқли кунлардан сўнг юртимиз бўйлаб халқимизнинг асрий орзулари ушалган кун — диёримиз мустақиллигининг 13 йиллик тўйи кенг нишонланади. Ана шу муносабат билан бугун жойларда байрамга тайёргарлик ишлари қизғин паллага кирди. Жумладан, маҳаллалар ҳудудлари, кўча ва хиёбонлар, истироҳат боғлари тартибга келтирилмоқда, ободонлаштириш ва таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Республика "Маҳалла" жамғармаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, маҳаллий ҳокимликлар ва жамоатчилик вакилларининг шу йил август ойида мамлакатимизда ободонлаштириш ва тозалик ойлигини ўтказиш тўғрисидаги таклифини маъқуллаб, 14-15 август кунлари умумхалқ хайрия ҳашарини уюштириш ҳақида Фармойиш эълон қилиши замирида ҳам ана шу эзгу мақсадлар мужассам.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, ушбу Фармойишдан келиб чиқадиган вазифалар жойларда амалга оширила бошланди. Хусусан, кўча ва хиёбонлар тозаланаяпти, дарахтлар оқланиб, гул кўчатлари қайта ўтказилаяпти. Кўп қаватли уйлар, корхона ва ташкилотлар, шунингдек бошқа қатор маданий масканлар атрофлари озода этилиб, санитария талаблари даражасига келтирилмоқда. Бинобарин, фуқаролар йиғинлари раислари, фаоллари ўз ҳудудларида ушбу хайрли юмушларга бош-қош бўлиб, фуқароларга ибрат ва намуна кўрсатиб келмоқдалар.

14-15 август кунлари умумхалқ ҳашарига барча тузилмалар ва жамоат ташкилотлари жалб этилади. Мулкчилик шаклидан қатъи назар турли корхона ва ташкилотларнинг бир кунлик иш ҳақлари "Маҳалла" хайрия жамғармаси ҳисоб рақамига ўтказилади. Бу маблағлар келгусида маҳаллаларни обод ва кўркам қилишга, ҳудудда оммавий спортни ривожлантиришга, аҳолининг кам таъминланган қатламини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга, шунингдек жамғарма низомида ҳамда "Меҳр ва мурувват йили" дастурида белгиланган бошқа вазифаларни бажаришга сарфланади. Бир сўз билан айтганда, бизнинг бир кунлик иш ҳақимиз юртимиз равнақига, халқимиз турмуши фаровонлигига хизмат қилади.

Шундай экан, барчамиз ана шу хайрли ишда фаол иштирок этишга, юртимизни обод этишга чоғланайлик. Зеро, 14-15 август кунлари ўтказиладиган умумхалқ ҳашарида ҳар биримизнинг ўзаро меҳр-оқибатимиз, мурувватимиз ва энг асосийси, Ватанга муҳаббатимиз намоён бўлади!

Шахмат

ЯНА БИР ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Германиянинг Малент шаҳрида шахмат бўйича заиф эшитувчилар ва соқовлар ўртасида ўтказилган 1-жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз Сирожиддин Зайниддинов чемпионлик унвонини қўлга киритди.

25 июль — 4 август кунлари ўтган ушбу чемпионатда дунёнинг 28 мамлакатидан келган иқтидорли ўсмирлар дона сурди. Пойтахтимиздаги 106-заиф эшитувчилар мактаб-интернати олтинчи синф ўқувчиси, ўн тўрт ёшли жиззахлик Сирожиддин чемпионат ғолиби бўлди.

Лазиз Раҳматов
ЎзА мухбири.

СУРАТДА: ғолиб Сирожиддин Зайниддинов.

Муҳаммад АМИН олган сурат.

Истиқлол берган ифтихор

БУРУНГИ ВА БУГУНГИ МАҲАЛЛА

Кўп давраларда бўлганимда одамлар Мустақиллик давридаги маҳалла билан шўро давридаги маҳалланинг ўртасида нима фарқ бор, деб бир-бирларига савол беришади. Бу гапнинг тагида замонни бир-бирига чархлаш эмас, бугунги куннинг маъносини фарқлаш ётганлигини эси бор одам, албатта, тушунади. Қолаверса, бундай қиёслашлар одамлар онгига бошқача, яъни ИФТИХОР тушунчалари кириб келаётганлигини англатади.

Бугунги даврада ҳам бу савол кўтарилар экан, шўро даврида партком секретари бўлиб ишлаган, ҳозир эса нафақадаги Акбар ота шундай сўз бошлади:

— У замондаги маҳалланинг номи бор эди-ю, иши йўқ эди. Тўғрироғи, номига сайланиб қўйилган маҳалланинг раисини чақириб, буйруқни берардик. Кейинчалик эса бу буйруқ бажарилдими ёки йўқми бировнинг иши бўлмасди. Маҳалладаги барча ишлар, маслаҳатлар, йўл-йўриқлар, колхоз раисининг ёки парткомнинг кўрсатмалари билан амалга ошириларди. Тўй қиладиган одам ҳеч қачон маҳалланинг раиси олдига бормаган, маслаҳат учун аввал колхоз раисига бориб розилик олган. Бир кун олдин бўладиган маслаҳат ошига бутун идора хизматчилари билан бориб, битта қўйни еб қайтганимиз ҳам рост, болам. Худодан яшира олмайман, ахир. Энди замон бошқа, талаб бошқа, маҳалласиз кунимиз ўтмайди.

Акбар аканинг "маҳалласиз кунимиз ўтмайди" деган гапида чуқур маъно бор, албатта. Буни ҳамма кўриб турибди, ҳамма сезиб турибди. Келинг, яхшиси шу суҳбат баҳона мустақиллик йилларида маҳалланинг ўрни ҳақида кенгроқ мушоҳада юритайлик.

Ҳозир маҳалла йиғини ходимларига ойлик маош белгиланган.

Яна бир гап, маҳалланинг ўз идораси, муҳри ва қоғози, ҳатто баъзи маҳаллаларда ўз маблағи ҳам пайдо бўлди. Эсимда, болалигимда маҳалламиз раиси бир-бири билан урушиб қолган қўшнини яраштириш учун ҳовлисидаги супачада "разбор" қилар, улар кетгач эса хотини "бу уйда тинчлик борми ёки йўқми" — дея дод-вой қиларди. Шу боис хотини билан ўзи урушиб қоларди. Демак, мустақиллик йилларида **маҳалла** ҳуқуқий жиҳатдан ўзига хос мақомга эга бўлган жойга айланди. Илгарилари ишга, ўқишга кирмоқчи бўлсанг ёки бошқа бирон иш сабаб, маҳалладан ҳеч ким маълумот сўрамас эди...

Мустақиллик йилларида маҳаллаларимизда **"маҳалла посбони"** деган ибора пайдо бўлди. Шуни ишонч билан айтаманки, маҳалла посбонлари иши кейинги йилларда айниқса, қизғин фаолият доирасида олиб борилмоқда. Улар жиноятчиликнинг ҳар қандай кўринишларини йўқотишда маҳалла милиция таянч пунктлари ходимлари билан биргаликда фаол ҳамкорлик қилмоқдалар. Яхши ишлаётган посбонлар билан суҳбатлашсангиз, уларнинг ён дафтарларида жиноят қилишга мойил одамлар, жазо муддатини ўтаб қайтганлар, бекорчи бўлиб санқиб юрганлар, уйидан чиқиб кетиб номаълум томонларда юрганларнинг исм-шарифлари қайд этиб қўйилган. Улар маҳаллага келиб-кетаётганларни ҳам нигоҳларидан қочиришмайди.



Ёки ҳар бир маҳаллада мавжуд **хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси** фаолиятини таҳлил қилайлик. Мисол учун, Тошкент вилояти Туябўғиз қўрғонидаги маҳаллаларнинг биридаги хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Наима опа Малахованинг иш жараёни билан танишсак, маҳалладаги хотин-қизларнинг ўнлаб муаммолари ижобий ҳал этилаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Демак, ҳар бир маҳаллада комиссияларнинг ҳам бугунги кунда алоҳида ўрни борлигига гувоҳ бўласиз.

Яқинда эса Юртбошимиз Фармони билан **фуқаролар йиғинларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчиси** лавозими жорий этилди. Бунда обрў-эътиборли, диний, тарбия соҳасида амалий тажрибага эга фаол аёллар ишга тайинланади. Уларнинг эса хизмат вазифалари жуда кенг. Аҳолига ва ёшларга соғлом турмуш тарзини кенгроқ сингдириш, энг яхши миллий-диний анъана ҳамда урф-одатларни сақлаш ва ривожлантиришга самарали таъсир кўрсатишдек долзарб масалалар турибди.

Маҳалла бугунги кунда ўзига хос маслаҳатхоналарга ҳам айланган. Оиладаги келишмовчиликлар ҳам, ёмон йўлга кирган фарзандлар тарбияси ҳам, ўз бурчларини унутган ота-оналар ҳам, тўй ва диний маросимларни ўтказишга доир фикрлар ҳам шу ерда муҳокама қилиниб, тўғри қарор қабул қилинади. Халқимизда "кенгашли тўй тарқамас" деган нақл бор. Бугунги кунда "кенгаш" сўзи тагида маҳаллани англашимиз ётади.

Илгарилари **"ҳашар"** деганда республикамиздаги кўплаб каналлар ҳашар йўли билан қурилганлигини эсласакда, қишлоқларимизда бу тор маънода ишлатиларди. Ҳашар туфайли бир одамнинг уйи суваларди ёки тўйига ўчоқ кавланарди. Ҳозир маҳаллаларимизда уюштирилаётган ҳашарлар туфайли кенг кўламда ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Бунда ҳеч ким тепадан буйруқ кутиб тургани йўқ, маҳалладагилар бир-бирини чорлаб гурра-гурра ҳашарга отланишаверишади.

Айтиб ўтилган бу мисоллар албатта маънавий томондан амалга оширилаётган ишлардир. Маҳаллаларнинг **иқтисодий** жиҳатдан ривожига ҳам ўнлаб мисоллар келтириш мумкин. Шаҳарлар маҳаллаларидаги катта ўзгаришларни бир четга суриб, қишлоқ маҳаллаларидаги ўзгаришларни айтиб ўтсанг, дилинг ёришади. Ҳар бир маҳаллада 3-4 тадан тегирмон, новвойхоналар, чойхоналар, дўконлар, гузарлар ва спорт майдончалари халқ хизматида турибди. 90 ёшли Турсунбой бува билан гоҳ суҳбатлашиб қолганимда, отасидан қолган мойжувозни ишлатаман деб 12 йилга қамалиб кетган Тожибой бувани эсга оламиз, Қўқондан тандир олиб келиб новвойхона қурган ва колхознинг донини ишлатгансан деган баҳона билан Украинага сургун қилинган Ўрозбой новвойни ёдга туширамиз. Улар илгарилари шу маҳалланинг одамлари эди. Ҳозир эса маҳаллаларимизда ҳар ўн кишининг бири тадбиркор ёки фермер, қаддини урсин, замони келибди, ҳалол ишлаб, маҳаллани ҳам яшнатаверсин, саховатини кўрсатаверсин!

Мустақиллик йилларида бўй таратиб бораётган маҳаллаларимизнинг ҳамма ишлари аъло даражада кетаяпти деган фикрдан, мақтовдан йироқман. Маҳаллаларимизда ҳали жуда кўплаб муаммолар бор. Юртимизда бўлаётган террорчилик ҳаракатлари маҳаллаларнинг кўзи ҳали ҳаммага тушмаётганлигидан дарак беради. Ўз юртига, ўз элига ва ўз отасига қўл кўтараётганлар ҳам маҳалланинг ёшлари, улар осмондан тушгани йўқ.

Бир-биримизга кўпроқ ишониб яшаяпмиз-у, кўпроқ огоҳликни унутаяпмиз. Ёмон ишни эшитиб бир сесканиб қўямиз-у, охиригача ўйламаймиз. Ёнимиздаги боламиз, маҳаллаларимиздаги ёшларимиз ёмонларнинг қўлига қачон тушиб қолди экан, деб тўйдан кейин ноғорани чалишимиз ҳам рост.

Маҳаллани бугун инсон аъзоси бўлмиш қўлга ўхшатаман, у ёзиқ пайтида яхшиларнинг бошини силайди, ёмонлар учун эса муштга айланади. У одамларнинг нажот излаб борадиган жойи, ҳақиқатни кўрай деб келадиган мўътабар даргоҳи. Бу муқаддас жой ҳаммамиз учун ҳам қадрлидир.

Ҳамид НОРҚУЛОВ

Фестивал

Фарғона вилояти

"ШУ АЗИЗ ВАТАН БАРЧАМИЗНИКИ"

Куни кеча Фарғона шаҳридаги Ал-Фарғоний номли маданият ва истироҳат боғида Республикамиз Мустақиллигининг 13 йиллиги ҳамда Меҳр ва мурувват йилига бағишлаб "Шу азиз ватан барчамизники" шиори остида анъанавий фестивал танловининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда вилоятнинг 4 та шаҳар ва 15 та туманларидан вакиллар иштирок этиши кўзда тутилган. Танлов иштирокчилари ўз чиқишлари орқали мустақиллик йилларида барча жабҳаларда қўлга киритилган ютуқларни намойиш қиладилар.

Фестивални биринчи бўлиб Данғара ва Бағдод туманлари маҳаллалари бошлаб беришди. Улар ўзлари етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, ҳунармандчилик, савдо, маиший хизмат, санъат ва маданиятга оид кўргазмалари билан йиғилганлар олқишига сазовор бўлдилар. Айниқса, Данғара тумани маҳаллалари фаолияти ҳайъат аъзолари томонидан юқори баҳоланди.

Фестивалнинг навбатдаги кунларида қолган жамоаларнинг кўргазмалари намойиш этилади.

Қодир ШОДМОНОВ,
"Mahalla" мухбири.

— Яна нима дейди?
— Идорасиз маҳалла ҳам бор экан, — дейди.

Аммаг!!!

Самарқанд шаҳри

БОҒИ ЧИНОРнинг БИНОСИ ҚАЕРДА?

Самарқанд шаҳрининг Гагарин кўчаси ўртасида, вилоят солиқ бошқармаси ёнгинасида катта тахтага ўқлокдек ҳарфларда "Боғи чинор маҳалласи", деб ёзиб қўйилган эди. Бинони айланиб маҳалла идорасини ахтардик, тополмадик. Иморат ёнидаги суянчиқда ёши етмишни қоралаб қолган кўзойнакли отахон газета ўқиб ўтирарди. Отахондан маҳалла идораси қаерда эканлигини сўрадик.

— Маҳалла идораси мен ўтирган скамейка, — деди отахон кўзойнагини қўлига оларкан, — бугун навбатчилик қилаяпман, мана папкамда қабулга келган фуқароларни қайд қилиш журнали ҳам бор.

Қария асло ҳазиллашаётганга ўхшамасди.

Отахондан оқсоқолнинг уй телефони рақамини ёзиб олдим. Солиқ бошқармасига кириб, унга қўнғироқ қилдим. У — мен оқсоқол Искандар Қобиловман, сиз скамейкага қайтиб боргунча мен етиб бораман, — дея гўшакни қўйди. Биз скамейкада навбатчилик қилаётган отахоннинг ҳузурига келиб улгурмасдан ёши 35-40лар атрофидаги новча, истараси иссиқ, сочларига оқ оралаган киши ёнимизга келди. Салом-аликдан сўнг — "Кечирасиз, отахон маҳалламизда идора, кабинет деган нарсалар йўқ. Мендан олдинги оқсоқол Файзи бобо Муҳсинов маҳалла маркази йўқлиги боис фуқароларни ўз уйида қабул қиларди. Кирди-чиқди кўпайиб уйини ўғри уриб кетди. Аввал давлат идораларининг биридан жой беришган эди. Яқинда у ердан ҳам чиқаришди, ёзда ўзингиз кўриб турган скамейкада, қиш-қировли кунларда кўп қаватли иморатларнинг подъездларида фуқароларни қабул қиламиз. Маҳалла маркази қурайлик, десак имконимиз бўлмаяпти. Вилоят, шаҳар, собиқ туман раҳбарларига шу масалада кўп мурожаат қилдик, — деди оқсоқол чуқур уҳ тортиб.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, бу — бўлган гап.

Иноят НЕЪМАТОВ

АЗИЗ МУШТАРИЙ! ГАЗЕТАМИЗГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА. БУГУН 2004 ЙИЛНИНГ ҚОЛГАН ҚИСМИГА ОБУНА БЎЛИШ МУМКИН. ЭРТАГА ЭСА КЕЧ БЎЛАДИ. ЙИЛНИНГ ҚОЛГАН ҚИСМИДА "Mahalla"СИЗ ҚОЛМАНГ!

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.
Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб — 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

« M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

Мустақил юрт одимлари: Сурхоннинг равон йўллари

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

АЭС ҲАЛОКАТИ

Япония атом электр станцияларидан бирида ҳалокат содир бўлди. Фукуи префектурасидаги Михама станциясидан буғ чиқиб кетиши оқибатида 5 киши ҳаётдан кўз юмди. Мамлакат иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг маълум қилишича, ҳалокат вақтида радиация сизиб чиқмаган.

РАТА-ТАСС ахборот маркамаси хабарларига қараганда, буғ учинчи ядровий реакторнинг двигател бўлимига сизиб кирган. Бунга буғни совутадиган сувнинг етишмагани сабаб бўлган. Буғнинг ҳарорати 270 даражага етган.

АЭСни бошқарувчи «Кансай дэнриоку» электр компанияси ҳозир бу ерда электр энергияси ишлаб чиқариш тўхтатилганини маълум қилди.

Айни пайтда ҳалокат сабаблари ўрганилмоқда. Мамлакат полицияси, Япония тарихидаги энг хавфли ҳалокатлардан бири сифатида баҳоланаётган бу воқеага ходимларнинг бепарволиги сабаб бўлган, деган фикрда.

ТЕРРОРЧИЛАР ТИНЧИМАЯПТИ

Туркиянинг Истанбул шаҳридаги «Парс» ва «Ҳолидей» меҳмонхоналарида портлаш содир этилди. Гувоҳларнинг сўзларига қараганда, икки жойдаги портлаш деярли бир вақтда юз берган. Оқибатда икки киши ҳаётдан кўз юмган. Ўндан ортиқ одам оғир тан жароҳати олган. Уларнинг аксарияти хорижлик фуқаролардир.

Шаҳар полицияси ушбу воқеани террорчилик ҳаракати сифатида баҳоламоқда. «Парс» меҳмонхонаси ходимининг таъкидлашича, кўнгилсиз воқеадан ўн дақиқа олдин номаълум шахс бу ерга қўнғироқ қилиб, хоналарнинг бирига портловчи модда ўрнатилганини маълум қилган. Аммо, ҳалокатнинг олдини олишнинг имкони бўлмади.

«Парс» меҳмонхонаси Аё София масжиди яқинида жойлашган. Портлаш вақтида масжидда қиркка яқин одам бўлган. Савдо зоналаридан бирида жойлашган «Ҳолидей» меҳмонхонасида эса асосан МДҲ мамлакатларидан келган сайёҳлар яшайди.

Покистоннинг Карачи шаҳрида ҳам портлаш содир этилди. Воқеа ресторанда юз берди. Натижада 8 киши қурбон бўлди. Улар орасида 3 ёшли бола ҳам бор.

Президент Парвез Мушарраф содир этилган жиноятни қоралади ва айбдорлар албатта топилишини айтди.

Бу сўнгги икки-уч ойи ичида Покистонда юз берган энг йирик террорчилик ҳаракатидир.

Фазлиддин АРЗИЕВ,
ЎзА шарҳловчиси

ДАВЛАТЛАРАРО КЎПРИК

Сурхондарё йўллари ана шундай аҳамият касб этади

Маълумки, Сурхондарё вилояти мамлакатимизнинг жанубий минтақасида жойлашган бўлиб, унинг сарҳадлари бир неча қўшни давлатлар чегаралари билан туташ. Қадимда воҳа орқали ўтувчи Буюк Ипак йўлининг асосий тармоғи ўлкамизнинг чет мамлакатлар билан иқтисодий-ижтимоий, савдо ва дипломатик алоқаларини таъминлашга хизмат қилган бўлса, ҳозирга келиб ҳам ушбу йўллар ўзининг халқаро аҳамиятини йўқотгани йўқ. Шу боис бугун вилоятимиздаги мавжуд йўлларнинг аҳволини яхшилаш, уларга бўлган эътибор ва назоратни кучайтириш биз йўлсозларнинг зиммамиздаги вазифалардандир.

Айтиш жоизки, "Сурхондарёавтойўл" йўл қурилиш ҳудудий шуъба ташкилотимиз таркибида 14 та туман йўл хўжалигини таъмирлаш ва фойдаланиш корхоналари мавжуд бўлиб, уларнинг балансидаги умумфойдаланув йўллари 2752 километрни ташкил қилади. Жумладан, 350 километр халқаро, 1266 километр республика, 607 километр вилоят ҳамда 524 километр маҳаллий аҳамиятга эга бўлган йўлларда ана шу ҳудудий корхоналар томонидан лойиҳалаш, таъмирлаш, қайта қуриш ва назорат ишлари амалга оширилади.

Мисолларга ўтадиган бўлсак, ўтган 2003 йилда йўлсозларимизнинг самарали меҳнати туфайли 323 километр автомобил йўллари режадан ошиғи билан таъмирланди. Учта ҳудудда 47 километрлик масофани ташкил этувчи кўприклар янгидан бунёд этилган бўлса, тўртта ҳудуддаги 60 километрлик кўприк иншоотлари қайта қурилди. Жорий йил бошидан бўён эса тасдиқланган режа асосида 325 километр автомобил йўллари қайта таъмирдан чиқарилди. Шунингдек, икки жойда 66 километрлик ва 54 километрлик кўприк иншоотларини қуриш ва таъмирлаш режалаштирилган. Бу хайрли иш сарф-ҳаражатларига давлат бюджетидан 4717789 сўм маблағ ажратилган.

Ташкилотимиз ходимлари ташаббуси билан йўлсозлик ишига йил сайин янги замонавий технологиялар жалб этилмоқда. Бу эса ишимизнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилаяпти. Боз устига, ҳудудда замонавий автобус бекатлари, сервис хизмат шахобчаларини ташкил қилиш ишларига ҳам катта эътибор қаратаяпмиз. Йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ўтган 2003 йилда 42 километрлик пиёдалар йўлаклари таъмирланди. Пиёдалар ўтиш жойлари, чорраҳалар тартибга келтирилди.

Вилоятда йўл хизматининг яхшиланишида биз билан ҳамқадам бўлаётган ҳомий ташкилот ва корхоналарнинг ҳам салмоқли ҳиссалари бор. Хусусан, Шўрчи, Сариосиё, Учқизил цехлари билан ташкилотимиз ўртасида доимий ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган.

Бизнинг мақсадимиз битта. У ҳам бўлса халқимизнинг оғирини енгил қилиш, уларга қулайликлар яратиш. Шундай экан, бугун биз йўлсозлар давлатимизнинг обод ва кўркам, йўлларимизнинг равон бўлиши учун бор куч ва имкониятларимизни ишга соламиз.

Фурқат МУҚИМОВ,
"Сурхондарёавтойўл" йўл қурилиш ҳудудий шуъба корхонаси бош муҳандиси.

Ҳар бир ишнинг бошланиши қийинроқ кечади. Бундан беш йил аввал жамоага раҳбар бўлиб ишга келганимда икки мақсадни кўзлагандим. Биринчиси, корхона фаолиятини жонлантириш, иш жараёни салмоғини ошириш бўлса, иккинчиси, бу орқали ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилаш, шунингдек, йўлларимизнинг сўз ва равонлигини, кўркамлигини таъминлаш. Негаки, ҳудудимизга қарашли йўллар нафақат юртдошларимиз, қолаверса, хориждан келадиган кўплаб меҳмонларга ҳам хизмат қилади. Шундай экан, бугун уларни жаҳон андозалари даражасида таъмирлаш, доимий назоратда сақлаш талаб этилади.

УЗУННИНГ ЙЎЛЛАРИ РАВОН

Хуллас, 76 нафарлик жамоамиз бугунги кунда эзгу мақсадлар йўлида фаол меҳнат қилаяпти. Ўтган йили ҳудудимизга қарашли йўлларда 129 миллион 745 минг сўмлик таъмирлаш ишлари амалга оширилган эди. Жорий йилнинг биринчи чорагидаги амалий фаолиятимиз эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан беш баробарга ошиб кетди. Яъни, январ, март ойларида режада белгиланган 39702 минг сўмлик ўрнига 4566 минг сўмлик иш бажарилди. Бу эса қарийб 3 миллион сўмлик соф фойда ва 7 фоиз рентабелликни ташкил этди.

Албатта, ишнинг асосий қисми йўлсозларимиз зиммасида. Бу борада корхона бош муҳандиси Нарзулла Жумаев барча йўлсозларга яқиндан кўмакдош. Автогрейдерчи Ашур Сапиев, экскаваторчи Абдурашид Олимов, тракторчи Саттор Зокиров, Тошбой Нуруллаев, ҳайдовчилардан Ҳаким Боқиев, Насрулла Тўраевларнинг меҳнати таҳсинга сазовордир.

Шу билан бирга Меҳр ва мурувват йилида жамоамиз томонидан хайрли ишларга ҳам ҳомийлик қилинмоқда. Кам таъминланган, эҳтиёжманд инсонларнинг ижтимоий муҳофазасига имкон қадар кўмак бериб келаяпмиз.

Айни пайтда ишчиларимизга берилаётган иш ҳақи ўртача 32,7 минг сўмни ташкил этади. Боз устига, уларга моддий томондан ёрдам кўрсатиш, мурувватли бўлиш ҳаракатидамиз. Фахрийларимиз, кекса ишчиларимиз ҳамда кам таъминланган, боқувчисини йўқотган инсонларга ва ногиронларга шу кунгача 52640 сўмлик ёрдам кўрсатилди.

Алижон ХУДОЙҚУЛОВ,
Узун тумани йўл хўжалигини таъмирлаш ва фойдаланиш пудрат корхонаси раҳбари

ЖАРҚЎРҒОНЛИК ЖОНКУЯРЛАР

Жарқўрғоннинг обод ва кўркам масканга айланишида, ҳудудда амалга оширилаётган кўплаб бунёдкорлик ишларида туманда самарали меҳнат қилиб келаётган заҳматкаш йўлсозларнинг ҳам озми-кўпми ҳиссаси бор. Бугун ана шу меҳнаткаш жамоага кўпни кўрган, тажрибали, ишбилармон инсон Абдаруҳим Мамадиев бош. Туман ҳудудига қарашли халқаро ва давлат аҳамиятига эга бўлган 178 километрлик йўллар назорати яхши йўлга қўйилганлигини ушбу йўлларнинг юз фоиз ҳаракатга лаёқатли деб топилганлигидан ҳам билса бўлади.

Ўтган йилда ҳудудда умумий қиймати 120 миллион 858 минг сўмлик таъмирлаш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилган эди. Жорий йилда ҳам режада белгиланган кўрсаткичлар ошиғи билан бажарилмоқда. Шу боис Жарқўрғон йўллари ободлиги бўйича вилоятда етакчи ўринни эгаллайди. Ҳозирда А.Мамадиев бош бўлган корхона йўлсозлари маҳаллалар билан ҳамкорликда ички йўлларни тартибга солмоқдалар.

ЙЎЛЧИЛАР ЙЎЛДОШИМИЗ

Денову Сариосиёдан бошланадиган поёнсиз йўллар келиб Қумқўрғон билан туташади. Сўнгра токи Термизу Жарқўрғонгача, шимолдан Бандихону Бойсунга, агар сув омбори ёқалаб юрсангиз йўл сизни Какайдигача олиб боради. Бир сўз билан айтганда, Қумқўрғон йўллари бамисоли бир халқа! 198 километрлик ана шу йўлларга хизмат қилиш, назорат ҳамда таъмирлаш ишларини олиб бориш Ўроздавлат Ҳайдаров бошлиқ 84 кишилик йўлсозлар зиммасида. Уларнинг асосий қисми муҳим аҳамиятга эга бўлган йўллар ҳисобланади.

Шу яқин ўртада бажарилган ишларга келсак, барча йўллар таъмирдан чиқарилди. 14 километрлик йўлга асфальт ётқизилди, 350 та йўл белгилари қайта ўрнатилди. Қисқа вақт мобайнида 19 миллион сўмлик пудрат ишлари амалга оширилди.

Шуни айтиш керакки, уларнинг фаолияти бевосита маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолияти билан чамбарчас боғланганлиги ишни осонлаштирмоқда. "Беш қаҳрамон" ширкат хўжалиги ҳудудида 1,5 километрлик, "Оқ қапчиғай"да 1 километрлик янги йўллар қурилди. Бунинг устига, йўлсозлар даврининг йирик иншооти бўлган "Тошгузар—Бойсун—Қумқўрғон" темир йўли ижодкорлари ҳамдир. Ўзларига биркитилган икки километрлик йўлни тез орада қуриб бердилар. Ёки "Оқ қапчиғай" сойи устида халқаро аҳамиятга эга катта кўприк қурилиши ниҳоясига етди. Қумқўрғон шаҳри марказида барпо этилган спорт мажмуаси қурилишида ҳам йўлсозларнинг хизмати беқиёс. Ўтган беш ой мобайнида идора томонидан 140 минг сўмлик мурувват ишлари ҳам амалга оширилди. Ёки 800 метрлик пиёдалар йўлаги қурилиб, белгиланган жойларга 1000 туп дарахт кўчатлари ўтказилди.

— Ҳар бир жамоанинг илғор, кўзга яқин ишчилари бўлади, — дейди корхона раҳбари Ўроздавлат Ҳайдаров. — Бунёдкорларимиз орасида Эшдавлат Улуғбердиев, Отамурод Мамашукуров, Эргаш Шаропов, Иброҳим Чоршанбиев, Мирза Холбоев, Тўйчи Қиличев, Хуррам Ражабов, Ражаб Мамадиев, Шавкат Аннақулов, Юсуф Бойқулов сингари ишчи-хизматчиларимиз борки, бугун уларнинг меҳнатидан барчамиз мамнунмиз.

Йўллар равону, ўтадиганларнинг манзили яқин бўлса, шунинг ўзи йўлчилар учун бахт!

Абдусаттор МЎМИНОВ,
Оқжар қишлоқ фуқаролар йиғини раиси.

ЙЎЛСОЗЛАРНИНГ ИЛҒОР ЙЎРИҒИ

Ўтган йилдан буён Сариосиёнинг илғорлиги тилдан тушмай қолди. Ғаллачиликда ва пахтачиликда улкан муваффақиятларни қўлга киритган туман меҳнаткашлари бир эмас, икки бор юртбошимиз табригини олишга муяссар бўлган эди. Айни пайтда йўлсозларининг самарали меҳнати, уларнинг амалга ошираётган хайрли ишлари ҳам ҳудудда қўлга киритилган ютуқларни такрорлайди.

Айни пайтда туман йўл қурилиши корхонасига ўз фаолиятини оддий қурувчиликдан бошлаган, кейинчалик Андижон электр механика техникумининг йўл бўлими, сўнг Тошкент автомобил йўллари олийгоҳини тугатган, бош муҳандис, асфальт ва шағал заводлари раҳбари бўлиб ишлаган Абдуваҳоб Қодиров раҳбарлик қилиб келмоқда. У ишни бамаслаҳат, келишилган ҳолда бажаришни хуш кўради. Эътиборли томони, корхона билан маҳаллалар ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бундан кўзланган мақсад туманга қарашли 23 километрлик халқаро, 138 километрлик республика, 82 километрлик вилоят ҳамда маҳаллий аҳамиятга эга бўлган йўлларни обод қилишдан иборат. Бугунгача йўлларнинг 73 километри қайта таъмирланиб, 350 миллион сўмлик иш бажарилди. Январ-апрель ойларида яна 2 километрлик йўлни тубдан таъмирлаш баробарида, 1 километрлик янги йўл барпо этилди. 55 та автобекатлар, 37 та кўприк, 305 та қувурлар қайта назоратдан ўтказилди. Табиий офатларнинг олдини олишга қаратилган 21 миллион сўмлик иш бажарилди. Йўл бўйларига 20 тадан ортиқ янги йўл белгилари ўрнатилди, икки юзтаси қайта таъмирланди.

Йўлсозлар энди 749 километрлик ички йўлларни таъмирлашга киришганлар. Корхона ва маҳаллалар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик натижасида Бўстон, Шоқишлоқ маҳаллаларига қарашли 30 километрлик йўл қайта таъмирланди. Қарийб 50 километрлик йўлларда назорат ишлари бажарилди. Бу ишларга корхонада мавжуд 48 та машина ва механизмлар, 18 та автотранспорт жалб этилган.

Корхонанинг яна бир устунлик томони, унинг ихтиёрида асфальтбетон ҳамда шағал саралаш заводлари мавжудлиги. Бу кичик корхоналар йўлсозлар ишида қўл келмоқда. Ана шу заводларда ҳозиргача 12 минг тонна иссиқ асфальт ишлаб чиқарилиб, 73 километрлик йўлларга ётқизилди.

Ҳар бир ишнинг ўз фидоийлари бор. Абдувосит Ашуров, Иномжон Мамажонов, Жўрақул Бекбобоев сингари техника жиловкорлари ана шундай меҳнатсевар инсонлардан. Бугун уларнинг самарали меҳнати туфайли Сариосиё йўллари обод ва равон.

Сайдулла ҲАКИМОВ,
Сариосиё шаҳарча марказий қўрғони фуқаролар йиғини раиси.

Бойсуннинг ёзи салқин келади деб ўйламанг. Дарвоқе, қиши қаҳрли, ёзи эса салқинлиги бир жиҳатдан тўғри-ю, аммо айни саратон кезларида қурама тоғу тошларнинг ҳовурига чидаш қийин. Ана шунда қилча сояси йўқ жойни текислаётган, уюм-уюм тупроқ, тошу шағалларни сураётган заҳматкаш йўлсозларнинг 40 даража ташқаридан, яна шунча даража машина моторидан кўтарилаётган иссиқлик тафтида ишлаётганларни кўрганингизда беихтиёр уларнинг метин бардошига қойил қоласиз.

ЗАҲМАТКАШ ЗАМОНДОШ

Ана шундай оғир шароитда меҳнат қилиб, бойсунлик фидойи йўлсоз номини олган Хидир Қаҳҳоровнинг ҳам автогрейдер рулига ўтирганига бу йил 40 йил тўларкан. Қирқ йилдан буён у йўлда... Қўқондаги механизация курсини тугатганидан сўнг 15 йил Термиз йўл қурилиши бошқармасида меҳнат қилди. Энг катта йўналишлар — Шеробод—Сурхон, Жарқўрғон—Термиз, Термиз—Ангор, Бойсун—Шеробод йўлларини бунёд этишда фаол қатнашди. Беллашув ғолиблиги нишонлари, ўнлаб ташаккурнома ва фахрий ёрлиқлар, мукофотлар совриндори. Хидир аканинг асосий фаолияти туғилиб ўсган юрти — Бойсун билан боғланди. Қандай қийин участка бўлмасин, йўл қуришда уни ўша томонга йўллашди. Бундан ташқари, ўзига биркитилган техникани ардоқлагани-ардоқлаган. Шунинг учун автогрейдери соатдай аниқ ишлайди, бир кун ҳам қаровсиз қолмайди. Буни шогирдларига ҳам уқтиради. Уларнинг сафи эса кенг: Равшан Райимқулов, Салоҳиддин Шоймардонов сингари шогирдлари ҳозир ҳам ўзи билан бир сафда меҳнат қиляпти. Хидир аканинг катта фарзанди Жўрабек ҳам ота касбини эгаллаган. Яқиндан бошлаб у ҳам алоҳида техника билан таъминланди.

Бундан уч йил олдин эса Хидир аканинг кўп йиллик меҳнати янада юқори баҳоланди. Бойсун йўл қурилиши бўлими бош муҳандиси Зайниддин Бўриев бу ҳақда шундай дейди:

— Август ойимиди, Хидир акага "Дўстлик" медали билан тақдирланганини эшитиб, биз қанчалар қувонганимизни билсангиз эди, гўё у киши эмас, биз тақдирлангандай. Унинг камтарлигига борман, неча-неча марталаб бундай катта мукофотлар эгаси бўлибди-ки, асли ўзимизнинг Хидир ака! Бу сафар ҳам шундай бўлди, муболағаси йўқ гап, уни табриклаб, қўлини сиқсак, раҳмат деди-ю, "Катта, соляркани кўринг, эртага иш тўхтаб қолмасин", дейди.

Шундай сўзларни унинг ўнлаб касбдошларидан эшитдик. Атрофдагиларнинг яхши муносабатига эришиш, меҳрини қозониш ҳам бир бахт. Айни пайтда Хидир Қаҳҳоров ҳамкасблари билан халқаро аҳамиятга эга бўлган. Сайроб йўлининг Зоғхона довонида меҳнат қиляпти. Эндигина таъмирдан чиққан "пўлат от"и роса иш беряпти-да! Жазирама иссиқ, қуёшнинг қайноқ тафти уларга писанд эмас, кўзланган мақсадга, юксак марраларга эришилса, бас!

Йўлларнинг равонлиги мамлакатнинг тараққий этганлигидан дарак беради. Шўрчилик йўлсозлар ҳам тумандаги мавжуд йўлларнинг обод ва равонлигини таъминлаш йўлида фаол меҳнат қилиб келмоқдалар.

ДЕНОВНИНГ БОЗОРИ ҲАМ, ЙЎЛИ ҲАМ ОБОД

Халқимизда юртнинг қандайлигини билмоқчи бўлсанг, бозорини кўр, йўлидан бир бора юр, деган ибратли нақл мавжуд. Деновга йўлимиз тушганида, негадир шу гапни кўп бора эслаймиз. Бунинг устига деновликлар кўнгилга яқин, дилкаш, самимий инсонлар. Суҳбатлашсанг, суҳбатлашгинг келаверади. Ўрал Худойбердиевнинг касби ҳам, ишлайдиган соҳаси ҳам кўнглига монанд — йўл қурувчи. 1996 йилдан буён Денов автомобил йўллари бошқармаси бошлиғи бўлиб ишлайди. Суҳбатдошимиз туман йўлсозлари томонидан амалга оширилаётган қатор ишлар хусусида гапириб берди.

— Яқинда Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлди. Юртбошимиз сўз бошисида бир-икки туманлар қаторида Деновни ҳам ободонлашиб, кўркамлашиб, чирой очиб бораётганлигини тилга олиб ўтди. Ғалати бўлиб кетдим. Ўзим асли бойсунлик — тоғликлар авлодидан бўлсам-да, бу юртга меҳнатим сингани учунми, шундан буён ўзимда йўқ шодланиб юраяпман. Денов нафақат воҳанинг, балки республикамизнинг ободонлашиб, кенгайиб бораётган савдо шаҳри. Кунига неча ўн минглаб киши келиб, шунчаки яна ортга қайтади. Ахир уларнинг манзилини яқин қилмасак, кўнглини топмасак, бўлмайди! Деновнинг бозорини мақтаб, борадиган йўлини азоб десалар, биз нима қилиб ўтирибмиз?! Шу боис, бугун биз зиммамиздаги масъулиятли вазифани аъло даражада уддалашга ҳаракат қилаяпмиз. Назоратимизда 209 километрлик йўллар мавжуд. Уларни таъмирлаш ҳамда қаровини амалга оширишдан ташқари, яна кўплаб ишларимиз бор. Биринчидан, 200 нафардан ортиқ ишчи-хизматчилар ҳаётига жавобгарлик, уларнинг қувонч-ташвишига шерик бўлиш керак. Иккинчидан, техника ва механизмлар, яна асфальт, бетон заводлари ишини мувофиқлаштириш лозим. Хайрли ишлардан ҳам қайтганимиз йўқ. Ҳозир "Маҳалланг — ўз уйинг" деган шиордан келиб чиқиб маҳаллалар билан ўзаро шартномалар асосида фаолият юритмоқдамиз. Ўтган йил жами 400 миллион сўмлик иш бажарилган ўз ҳисобимиздан 10 километрча йўлни асфальтлаган бўлсак, бу йил ҳам 2,5 километрлик маҳалла йўллари асфальтланди. Шунингдек, 30 миллион сўмлик қийматга эга спорт мажмуасини бунёд этдик. Ёки ҳашар йўли билан Сина ва Қизилсув сойи устида кўприклар қурилди.

Билингки, қаерда моддий устунлик бўлса, ўша ерда кўнгилдагидек иш кетади, фақат ишчи-хизматчини ишга чорлай билиш лозим. Алдам-қалдамлик, ваъдабозлик билан иш битмайди. Раҳбар ишга талабчан бўлиши билан бирга, ходимлари учун қайғурадиган, меҳр кўрсатишга мойил бўлса, шундагина иш самарадорлиги ҳам, жамоа ўртасидаги тотувлик ҳам юксалади...

Шеробод тумани йўл хўжалигини таъмирлаш ва фойдаланиш пудрат корхонаси йўлчилари 315 километр масофадаги ички ва ташқи йўлларга хизмат кўрсатади. Йил бошидан буён ҳудудда 59 млн. 520 минг сўмлик таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Хусусан, 6 километрлик масофа капитал, 39 километрлик йўл жорий таъмирдан чиқарилди. Ундан ташқари, маҳаллалар аҳолисининг қатновини яхшилаш, уларга қулайликлар туғдириш мақсадида янги автобекатлар қурилди, 28 та ана шундай автобекатлар аҳволи яхшиланди. Шунингдек, 15 та кўприк иншооти, 276 та ер ости қувурлари созланди.

Таъкидлаш ўринлики, йўлсозларнинг Меҳр ва мурувват йилида амалга ошираётган хайрли ишлари ҳам бисёр. Жумладан, корхона ҳомийлигида эҳтиёжманд инсонларга 500 минг сўм миқдоридаги мурувват ёрдами кўрсатилди. Бу ишларда корхона раҳбари Нортожи Абдулаҳадовнинг ташаббуси катта бўляпти.

ДЕГРЕЗ ЎҒЛИ

Буюк Ипак йўли кўҳна ва узоқ ўтмишга эга. Бу йўлдан ўтган инсонларнинг, авлиёю уламоларнинг, подшоҳи замонларнинг саноғи йўқ. Ушбу қадимги йўл ўтмишининг бир учи Дегрез ўғли номи билан боғлиқ. Асли отаболари бойсунлик бўлган Абдурашид Ориповнинг дегрезлар авлодидан эканлигини кўпчилик билмаса керак. Бир пайтлар бобокалонлари сойликда чўян эритиб, катта-катта дошқозонлар, ўй чўян печкалари ясаганлар. Ва тақдир тақозосини қарангки, ана шу бойсунлик йигит бугун Ангорда — Буюк Ипак йўлида жойлашган йўл қурилиши корхонасида раҳбар.

Етмиш нафарли жамоадан иборат корхона ўзига биркитилган 113 чақиримлик йўлни назорат қилиш, таъмирлаш, йўл белгиларини тартибга келтириш, янги йўллар қуриш ишларини амалга оширади. Улар шу кунгача мавжуд ўттиздан ортиқ техника ва механизмлар ҳамда ускуналар ёрдамида барча йўлларни қайта назоратдан ўтказдилар. Ўзбекистон Мустақиллигининг 10 йиллиги номли маҳалладаги 4 километрлик йўл таъмирланди. 3 километрлик янги йўл қурилди. Шу кунгача 188,8 миллион сўмдан ошиқроқ иш бажарган жамоанинг кейинги фаолияти ҳали айтганимиздек меҳр-мурувват ишлари билан чамбарчас боғлиқ. Маҳалла қабристони томон тортиб борилган 4 километрлик йўл, 12 нафар фахрийларга 10 минг сўмдан пул ҳамда совғасаломлар улашилганлиги, Бойсун туманидаги 12-Меҳрибонлик уйига 20 тонна асфальт берилиши ҳам ана шу хайрли ишлардан дарак беради.

Ажойиб раҳбар Абдурашид Ориповнинг яхши бир одати бор. Хайрли ишни бошлашидан олдин уни обдон ўрганишни, чамалашни яхши кўради. Ҳув ана, адоғи йўқ йўллар бўйлаб эрта тонгдан яёв юрган кимсани танидингизми? У биз тилга олган жонкуяр раҳбар Абдурашид Орипов. Янги ўйлар, яхши ниятлар оғушида истиқбол сари алпона одим ташлаб боряпти.

Рустам АЗИМОВ,
Ангор тумани Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси раиси.

Мақолаларни О.ШУКУРОВ, П.НАЗАРОВ тайёрлашди.

Хотира — 1979 йил 11 август

ЧОРАК АСРЛИК АРМОН

Ушбу рўйхатдан ўрин олган қадрдонларимизнинг бевақт ҳалок бўлганига, мана, йигирма беш йил ўтибди. Чорак асрдан буён нафақат ўзбекистонлик ишқибозлари, балки хорижда истиқомат қилишига қарамай "Пахтакор" футбол жамоасининг мухлислари бўлганларнинг барчаси армон билан яшайди.

1979 йилнинг 11 августи. Соат 13дан 35 дақиқа 38 сония ўтганида Тошкент-Гурьев-Донецк-Минск йўналиши бўйлаб қатнов бажараётган 65816 рақамли Ту-134А самолёти ва Челябинск-Кишинёв йўналиши бўйлаб бораётган №65735 рақамли Ту-134А кемаси Днепродзержинск осмонида тўқнашиб кетади ва кемалар саҳнидаги 178 кишининг ҳаммаси, шу жумладан 17 "пахтакор"чи ҳам ҳаёт билан бевақт видолашади.

Ушбу ҳалокатда айбдор деб топилган диспетчерлар Н.В. Жуковский ва В.А.Сумской ҳар бири 15 йилга озодликдан маҳрум қилинади. Аммо бундан ва кейинроқ бутун дунёга эълон қилинган сабаблардан сизу бизнинг кўнглимиз таскин топа олмаслиги аниқ.

Минскда "динамо"чилар билан навбатдаги тур учрашувини ўтказиш учун бораётган футболчиларимиз кўпчиликнинг меҳрини қозониб улгурган эдилар.

Ўша "Пахтакор" мамлакат чемпиони — Тбилиси "динамо"чиларини 3:0 ҳисобида енгган, киевлик динамочилар билан икки бор дуранг ўйнаган (2:2, 1:1), учинчи совриндор "Шахтёр" клуби устидан 2:1 ҳисобида зафар қучган ва шоҳсупага кўтарилганлар билан учрашувларда энг кўп очко тўплаган жамоа сифатида махсус соврин билан тақдирланган. Бундай ҳужумкор ўйин ишқибозларга ёқмаслиги мумкин эмас эди.

1978 йил якунларига кўра мамлакатнинг 33 кучли футболчиси рўйхатидан "Пахтакор" сардори Михаил Ан ўрин олган. Владимир Фёдоров иттифоқ термаси таркибида кўплаб ўйинларда иштирок этган ва 1976 йилги Монреаль олимпиадаси шоҳсупасига кўтарилган эди.

...1979 йилнинг 8 августида пойтахтимиздаги марказий ўйингоҳга ташриф буюрганлар, телеэкранда кўриб турган юртдошларимиз севимли футболчиларини сўнгги маротаба кўриб турганликларини билишмасди. Ўша куни "Пахтакор" бундан бир неча йил муқаддам иттифоқ чемпиони унвонига сазовор бўлган Ворошиловград шаҳрининг "Заря" командасини қабул қилган ва 32 минг томошабин шоҳидлигида 3:1 ҳисобида юртдошларга ғалаба ҳадя қилишган.

Чемпионатнинг навбатдаги турида (яъни ҳалокатдан сўнг) Тошкентдаги стадионга кўплаб жамоалардан тўпланган жамоа чиққан. Лекин стадион сухандони марҳум пахтакорчиларнинг номларини ўқиш чоғи чидамай йиғлаб юборганида ўйингоҳга тўпланганларнинг деярли барчаси худди шундай аҳволда бўлишган.

"Пахтакор"ни бутун Ўзбекистон севарди, ардоқларди. Унинг ғалабаларидан фахрланиб, мағлубиятларидан азият чекарди. Нафақат ўзбекистонликлар, балки қўшни Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистонда ҳам жамоамизнинг ашаддий ишқибозлари жуда кўплаб топиларди. Жамоанинг ўйинини томоша қилиш учун олис шаҳар ва қишлоқлардан ўн минглаб одамлар пойтахтга келишарди.

... Орадан 25 йил ўтди. Чорак аср мобайнида армонли хотира билан яшаб келаяпмиз. Юртимиз футболчилари бу орада катта-кичик ғалабаларга эришишди. Баъзан ўз ишқибозларини ранжитадиган ўйин намойиш қилиб, мағлубиятга ҳам учрашди. Лекин ҳар сафар биз беихтиёр "ўша йигитлар бўлганидами?" иборасини ишлатаверишни ҳанузгача канда қилолмай келаяпмиз.

Марҳумлар хотирасини абадийлаштириш мақсадида уларнинг номи билан кўча ва маҳаллалар аталган, мунтазам равишда турли мусобақалар ўтказиб келинмоқда. Бу йил шундай турнир ўсмирлар ўртасидаги жамоаларни Тошкентга тўплади. Россия, Белоруссия, Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистондан ташриф буюрган тенгдошлари билан мамлакатимиз терма жамоаси ва ёш пахтакорчилар куч синашишди. Бу баҳсларда ким ғолиб чиққанию, ким имкониятни бой бергани унча муҳим эмас. Бизнингча, энг муҳими ўша "Пахтакор" ҳақида ёрқин хотира қалбларимизда ҳамон яшамоқда. "Пахтакор" янги-янги авлодлар кўнглидан жой олмоқда.

Бугун кўплаб футбол ишқибозлари Тошкентдаги "пахтакор"чиларнинг қабрларини зиёрат қилишади, севимли футболчиларини ёдга олишади.

"Пахтакор" ўлмаган, у футболчиларимизга руҳий мадад бўлиб туради, мухлислар қалбида абадий яшайди!

Мирзаҳаким ТЎХТАМИРЗАЕВ

Идгай Тазетдинов
Михаил Ан
Владимир Фёдоров
Олим Аширов
Александр Корчёнов
Сергей Покатилов
Равил Агишев
Николай Загуменних
Владимир Макаров
Константин Баканов
Виктор Чуркин
Шухрат Ишбутаев
Владимир Собиров
Сирожиддин Бозоров
Владимир Чумаков
Мансур Толибжонов



Қашқадарё вилояти

Бир гуруҳ ғузорликларнинг қўшни Қамаши туманига хайрия сафарининг ташкилотчиси, Миржонда жомеъ масжидининг имоми Анвархон Ганжиев, "Маҳалла" жамғармасининг туман бўлинмаси раиси Саъдулла Ўлжаевларнинг мақсадлари тайин: Меҳр-мурувват йилида Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг кўнглини кўтариш, уларнинг маънавий оламини бойитиш эди.

Саъдулла акага бу даргоҳ шароити анча таниш, чунки бир вақтлар Меҳрибонлик уйига кўп йиллар раҳбарлик қилган, болажонлар қувонч-ташвишларига ҳамдаму ҳамдард бўлган. Қамаши туманидаги Меҳрибонлик уйи ўз номига муносиб меҳр қўрғони вазифасини ўтаётган маскан.

Отабек, Акмал, Фаррух, Гўзал, Саша... Болажонлар номларини айтиб, ўзларини таништирар эканлар, меҳмоннавозликни жуда ўрнига қўйишди. Бир зумда хайрия тадбири ўтказиладиган майдон байрамона безатилди. Столларга ғузорлик ҳомийларнинг совға-саломлари, ноз-неъматлар тортилди. Туман ҳокимлигининг мутахассислари Ситора Ғаниева, Гулсара Дўстовалар масканнинг ходималари билан дастурхон тузашга киришиб кетишди. Тадбирда болажонлар ўз қўллари билан тайёрлаган турли буюмлардан кўргазма намойиш қилишди. Ғузор шаҳридан ташриф буюрган Маданият уйининг директори Мурод Ҳайдаров бошчилигидаги санъаткорлар шўх мусиқалари билан даврага файз бағишлашди.

Меҳрибонлик уйи директорининг ўринбосари А.Кўзиевнинг дил сўзларида тарбияланувчиларга меҳр-муҳаббат нафаси сезилиб турди. "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмасининг раиси Сайдулла Ўлжаев болаларга эсдалик совғаларини улашди.

Замира МАМАТҚУЛОВА,
журналист.

МЕҲР НУРИ ЁҒИЛАВЕРСИН

Хива шаҳридаги 20-Меҳрибонлик уйига кўп йиллардан буён тажрибали мураббий, меҳрибон инсон, Ўзбекистон қаҳрамони Вера Пак бошчилик қилиб келмоқда. Гарчи даргоҳ тарбияланувчилари орасида турли миллатга мансуб болажонлар мавжуд бўлсада, опа улар билан бирдек тил топишади, кўнгилларини овлайди. Шундан бўлса керак, тарбияланувчилар тақдирлари ҳақида куюнаётган, камоли йўлида изланаётган бу меҳрибон инсонни болалар ҳам доимо ардоқлашади.

Фарғона вилояти

"МАҲАЛЛАНИНГ БИР КУНИ"

Бизда ҳар ойда камида битта тадбир ўтказиш одат тусига кириб қолган. Ўтказилаётган ҳар бир тадбирни қандайдир бир ном билан атаймиз. Булар — "Маҳалланинг бир куни", "Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги", "Тозалик — маҳалла кўрки", "Тўйларимиз — ўйларимиз", "Гул ва қушлар байрами" ва бошқалар. Уларнинг орасида "Маҳалланинг бир куни" тадбири ўзига хос аҳамиятга эга.

Биз бу тадбирни 2001 йилдан буён ўтказиб келяпмиз. Ана шундай тадбирларимиздан бирида тумандаги барча қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари қатнашди. Улар дастлаб маҳалла ҳудудини кўришди. Тадбиркор аёл Сайдинисо Қорабоева хонадонида бўлиб, етиштирилаётган экинлар ва мевали дарахтлар парвариши ҳамда уларнинг ҳосилдорлик даражаси билан танишишди. "Энг озода хонадон" соҳибаси Шамихон Қаландарова оиласида бўлиб, рўзғор ишлари ва гул ўстириш билан қизиқишди. "Уста-шогирд" йўналиши бўйича Лолахон Маткаримова, Шоҳидахон Рашидова сингари устозлар қизларга тикиш-бичиш касбини ўргатяптилар. Уларнинг иш фаолияти ҳам кўпчиликда қизиқиш уйғотади. 90-100 ёшли қариялар билан бўлган учрашув, Бухажал опа ва Сотволди ака Қодировларнинг 60 йиллик юбилей тантанаси семинар қатнашчиларида катта таассурот қолдирди. Мактаб ўқувчилари ва "Оймомо" болалар боғчаси тарбияланувчилари ўз санъатларини намойиш этишди. Тантанада қатнашган туман ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Бахтиёржон Ғўрақулов ўз сўзида бундай тадбирни бошқа маҳаллаларда ҳам кенг ўтказиш лозимлигини таъкидлади.

"Маҳалланинг бир куни" тадбири уч босқичда бўлди. Унинг биринчи босқичида ҳомиладор аёлларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш ва қизларни турмушга тайёрлаш бўйича суҳбатлар ўтказилди. Суҳбатлар орасида "Энг чаққон келин" танлови ўтказилиб, келинлар ўзларининг пазандачилик маҳоратларини намойиш қилдилар.

Иккинчи босқичда "Меҳр ва мурувват йили" дастури асосида маҳалладаги эҳтиёжманд инсонларга ҳомийларнинг совғалари топширилди.

Учинчи босқич эса "Истеъдодларни излаймиз" деб номланди. Унда маҳалла ёшлари ҳунармандчилик ва санъат соҳасида ўз касб-маҳоратларини намойиш қилдилар. Бу тадбирда туман ҳокимининг ўринбосари, туман Хотин-қизлар қўмитаси раиси Мастурахон Зияева қатнашди ва ғолибларга эсдалик совғалари топширди.

Маҳалламизда "Экосан" Халқаро жамғармасининг бошланғич ташкилоти фаолият кўрсатади. Унга фаол аёлларимиздан Зебихон Имомова раҳбарлик қилади. Унинг ташаббуси билан Америка Қўшма Штатлари Халқаро тараққиёт Агентлиги (ЮСАИД) ҳамкорлигида маҳаллага тоза ичимлик суви чиқарилди. Кўчалар четларига манзарали дарахт ва гул кўчатлари ўтказилди.

Обод маҳалла йилида маҳалламизда бир қатор ибратли ишлар қилинган бўлса, унинг мантиқий давоми ҳисобланган Меҳр ва мурувват йилида ҳам жуда кўп ишларни амалга оширяпмиз. Ҳозирги кунда маҳалла гузари қурилиши давом этяпти. Бу ишни 20 нафар тадбиркор ўз зиммасига олган.

Ҳабибахон ТОШМАТОВА,
Бувайда туманидаги Олтинқўрғон маҳалла фуқаролар йиғини раиси, биология фанлари номзоди.

Хоразм вилояти

МОМОЛАРГА МЕҲРИБОН МОМОЖОН

...Онаизор ҳеч кутмаган эди буни. Ўзи емай едирган, киймай кийдирган, топган-тутганларини тийинигача тўйига деб йиққан, бошқалардан кам бўлмасин деб ўқитган олий маълумотли фарзанди қариганида бу ерга ташлаб кетса... «Сингандир ғарибнинг кўнгил шишаси, энди тузатмакнинг имкони бўлмас». Оҳ: Отажон Худойшукур болам-а! Руҳларинг шод бўлсин илоё! Мен учун, мендай ғариблар учун айтган экансанда бу қўшиқни, дейди онаизор.

— Ўкинманг, онажон! Мен борман-ку, мазангиз қочдими? Дори берайми? Ё иссиққина чой дамлаб келайми? Бирор нарса ейсизми?

Унинг хаёлини Моможоннинг одатдаги таскин-тасаллилари бузади.

— Қизим, — дейди она уни бағрига босиб — яхшиям сен бор экансан, барака топ, қизим. «Мурувват уйи» бўлмаса қаерга борардим? Ўз туғишганларинг сиғдирмаса...

Онаизор шундай дея яна кўзига ёш олади. Моможон унинг кўз ёшларини артиб, кўнглини кўтаришдан чарчамайди:

— Ўкинманг, нима хизматингиз бўлса, тортинмай айтаверинг.

Хоразм вилояти Хива туманида жойлашган «Мурувват уйи» ҳамшираси Моможон Отоқова турли сабаблар билан (бировнинг боқувчиси йўқ, бировларини туғишганлари ташлаб кетишган, айримлари эса руҳий тушкунликдан қаровга муҳтож) бу ерга келган 150 дан ортиқ меҳрга ташна инсонларнинг дардига дармон бўлишни, руҳиятини кўтаришни ўзининг бурчи деб билади. Моможон йигирма йилки, шу даргоҳда ишлайди. Илк бор келганида Мунаввара Ражабова, Ўғилжон Абдуллаева, Ленинза Отажоновалар унга устозлик қилиб, «Бу ерда ишлаш бошқа касалхоналарга қараганда уч-тўрт баробар қийин. Чунки келганларнинг дарди оғир, уларнинг оламга сиғмаган ғамларини кўтариш учун тоғдек сабр-бардош, ирода керак!» деб ўргатишганди. Бугун ўзи шу сўзларни Шаҳло Ваисова, Кларахон Отажонова каби шогирдларига такрорлаб келяпти.

— Моможон энг тажрибали ҳамширамиз, — дейди «Мурувват уйи» раҳбари Олимбой Иброҳимов. — Бу ердагилар уни худди ўз фарзандларидай кўришади. Моможон уларни ҳеч уринтириб қўймайди. Яхши қаровидан ташқари ширин сўзлари билан кўнгилларга тасалли беради. Ҳатто турли ҳикоялар, шеърлар, ривоятлар айтиб, дили ўксик инсонларнинг тушкун кайфиятларини кўтаради. Елиб-югуришларини кўрсангиз, унинг ўз касбига ихлоси нақадар баланд эканлигига гувоҳ бўласиз.

Жонкуяр ҳамшира Моможон Отоқова ўтган йили Мустақиллигимизнинг 12 йиллиги арафасида фидойи меҳнатлари учун Президентимиз томонидан «Шуҳрат» медали билан тақдирланди. Ўша куни «Мурувват уйи» бамисоли тўйхона бўлди. Мазкур маскан ходимлари Карим ота Қосимов, Ўзагул она Рўзиматова, Семён Ефимов, Валерий Шевелёв, Бикажон оналар худди ўзлари мукофот олгандек Моможоннинг қувончига баробар шерик бўлишди.

Ҳалол меҳнати учун қадр топаётганидан мамнун Моможон Отоқова Меҳр ва мурувват йилида ҳам фидойилик билан ўз ишини давом эттирмоқда. «Бир ғариб кўнглини шод этмоқ, Каъба тавофига тенг» деган ҳикмат Моможоннинг меҳнатида ўз аксини топгандек. «Одамлар бир-бирлари билан аҳил, иноқ яшасалар Меҳр аталмиш Қуёш ҳеч қачон сўнмайди, — дейди у — Меҳрсиз ҳаётни эса мен тасаввур қилолмайман».

Абдулла САФОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Эътиборсиз одамлар

ФАРРОШ ХОЛАНИНГ ДАШНОМЛАРИ...

Мен ижарада турадиган хонадон беш қаватли уйнинг тўртинчи қаватида жойлашган. "Дом"имизнинг ёнида тўққиз қаватли уй бўлиб, унинг тагидан ўтаётганимизда кутилмаган воқеа содир бўлди, бехосдан дўстим иккимизнинг устимизга алланима оҳиста келиб тушди.

Иккаламиз ҳам бошимиз, елкамизда осилиб турган картошка, бодринг, пиёз пўчоқларини бир амаллаб қоқиб ташладик. Лекин сабзавот пўчоқларининг ачимсиқ иси уст-бошимизга ўтириб қолганди. Дўстим тепага қараб, сўкиниб қўйди. Бу бетамизлик учун бировни жазолаб бўлмаслиги ҳам алам қилди. Одамларнинг йигирма метр наридаги бўм-бўш чиқинди қутиси қолиб, чиқиндиларни айвондан кўчага отавериши оқибатида шу уйларда истиқомат қилувчиларнинг болалари ўйнаб юрган майдонча ҳам бир аҳволда эди. "Дом"га туташ ўсган ўрикнинг шохларида яроқсиз пайпоқлар, йиртиқ, кераксиз кийимлар ва пардаларнинг ҳилпираб турганлиги анчагина хунук манзарани ҳосил қилган.

Тўртинчи қаватга кўтарилганимиз, зинада жанжал устидан чиқдик. "Дом"да фаррошлик қиладиган Ҳалима опа бешинчи қаватда яшайдиган кишини койиш билан банд. Сабаби у маст ҳолда зинаю лифт ичини обдон ғорат қилган.

Зинадан анча вақтгача Ҳалима опанинг дашномли овози тинмади.

— Бу пияниста бўккунича ичволган. Хурмачасига сиғмаганидан кейин ичмаса нима қиларди, шу зормандани. Фаррошларга осон, деб ўйлайди, шекилли. Эрталаб чиннидай ялтиратиб чиқувдим-а...

Ўйлаб қарасам, Ҳалима опанинг гапларида жон бор экан. Баъзан ўзимизни оқлаб, айбни фаррошларга ахлатни йиғиштирувчи махсус хизмат ходимларига юклашга уринамиз. "Уларга ҳам иш қолдирайлик-да. Бекордан-бекорга маош олишмайди-ку", деймиз ҳазил аралаш. Мантиқни қаранг-а... Ёки мутасаддилар ободончилик кунларини ташкил этмагунча маҳалла оқсоқоли эшигимизни тақиллатиб: "Белингда белбоғинг бор бўлса, ҳашарга чиқ", демаса, тоғ-тоғ уюм чиқиндиларни тозалаш парвойимизга ҳам келмайди. Шунда ҳам айримлар "Обод маҳалла йили ўтиб кетдику", дея баҳона ҳам қиладилар. Гўёки ободончилик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳаёт тақазоси эканидан бехабармиз?!

Футболга жуда қизиққанлигимдан "ПАХТАКОР" ўйингоҳига боришни канда қилмайман. Ўйин якунига етгач, ўриндиқлар томошабинлардан қолган писта пўчоқларию музқаймоқ қоғозларига тўлиб кетади. Шунда ҳар сафар 1998 йил, Францияда ўтган футбол бўйича Жаҳон чемпионати ўйинларини эслайман. Ўз ватандошларига мухлислик қилиш учун келган япониялик ишқибозларнинг хатти-ҳаракатлари барчада илиқ таассурот қолдирган эди. Дастлаб японларнинг ўйингоҳга кичкина қутичаларни ушлаб кираётганидан барча ажабланганди. Кейин маълум бўлишича, японлар ўтирган жойларни ифлос қилмаслик учун чиқиндиларни қўлларидаги қутичага солиб кетишар экан. Менимча, бундай омилкор бўлиш учун япон бўлиш шарт эмас. Эътиборсизликка барҳам берсак, кўп қаватли уйларнинг ёнидан ўтаётганларнинг устига мағзава тўкилмайди, сигарет қолдиқлари тушмайди, дарахт шохларида уятли ич кийимлар осилиб қолмайди ва ҳоказо.

Отабек ЙЎЛДОШЕВ

Олам турфа

...ГУЛНИНГ ТИКОНИ БЎЛМАСА

Ҳаваскор-гулчи Стенли Хэрд Янги Зеландиянинг Три-Кингс оролларидан вирида яшайди. 42 ёшли бу киши мана 28 йилдирки, турли атиргуллар етиштиради.

Айниқса, унинг боғидаги «Регина» номли гули ноёблиги билан ажралиб туради — чунки бу атиргул тиконсиздир. Рафиқаси исмига қўйилган бу атиргул шунақанги чиройли очиладики, кўриб ҳавасинг келади. Хэрд уни Веллингстон шаҳридаги гуллар кўргазмасига юборди. Ҳакамлар ҳайъати ҳамда томошабинлар «Регина»ни кўриб ҳайратга тушишди, бироқ унга яхши баҳо беришмади. Ахир бекорга айтишмайди-да: «Гулни гул дерму киши, гулнинг тикони бўлмаса» деб.

БИРИ-БИРИДАН ҚИЗИҚ

Америколик олимлар беш юзта операцияни ва ҳар қандай гулли нақшни тика оладиган электрон тикув машинасини яратдилар.

Лекин энг ажойиб машинани испанияликлар ишлаб чиқаришган. У дастурдан сал бўлса-да, янглишилса, овоз чиқариб хабар беради. Бу машина янги тикилаётган материалдаги ҳар бир жараённи эслаб қолади ва керак бўлса уларни айтиб беради.

ИСТАГАНИНГИЗГА ҚАРАБ ПИШАДИ

Америколик бир неча олим сўнгги вақтда деҳқончиликдаги мева-сабзавотларнинг пишиш жараёнлари муаммолари устида иш олиб бораяпти. Бунга қандай эҳтиёж бор? Шундай мева ва сабзавотларни истеъмолчиларнинг дастурхонига ҳамма вақт янги узилгандек бориши зарур.

Муҳандис олимлар помидорнинг ирсияти ёрдами билан унинг турини ўзгартиришга, уларнинг узил-кесил пишишига масъул бўлган моддасининг ҳосил бўлишини тўхтатиб қўйишга эришдилар. Янги нав помидорлар этилен билан ишлов берилгунга қадар пишиб етилмайди. Бу уларни исталган узоқ масофага ташиш, совутилмаган жойларда сақлаш ва сотувга чиқариш олдидангина тез пишишини таъминлаш имкониятини беради.

ТЕМИРДАН ИШЛАНГАН КИТОБ

Габрово шаҳридаги Сатира ва юмор уйида темирдан ишланган антиқа китоб сақланади.

Унинг ҳажми 18х22 сантиметр бўлиб, оғирлиги 4 килодир. Китобни Вратцида истиқомат қилувчи Ангел Костов ишлаган. 22 саҳифадан иборат металл нашрда Габровонинг энг машҳур ҳазил ва мақоллари ўрин олган.

М.ИСЛОМОВА
тайёрлади.

Китоб ва камолот

НЕГА КИТОБ ЎҚИМАЙМИЗ?

Бунинг сабаблари бор...

— Диля, домла айтган китобни ўқидингми? — сўрайди автобусда кетаётган икки қиздан бири ўртоғидан.

— Йўқ. Мен китоб ўқишни ёмон кўраман. Қўлимга китоб олиб ўқидим дегунча, уйқум келади.

Ҳа, бундай суҳбат сизнинг ҳам қулоғингизга тез-тез чалиниб тургани рост. Афсуски, аксарият ёшларимизнинг китобга муносабати шундай. Ўқишни хоҳламаган талаба эртага ким бўлиб етишади?! Берилган ўқув режасидаги фанларни ўзлаштиришга қийналаётган, тўғриғоғи, хоҳламаётган бу каби тенгдошларимизнинг келажагини қандай тасаввур қилиш мумкин?

Олимларнинг фикрича, эсини таниётган бола, энг аввало, ота ва онасини ўз идеали деб билар экан. Демак, ота-онанинг китобга бўлган муносабати фарзандларнинг ҳам китобга муносабатини белгилайди.

Таниқли шоиримиз Муҳаммад Юсуфнинг "Кинога кирмайман" номли шеърида "Ўткан кунлар" фильми экранга чиққан, билет тополмай, "қизлар кўз ёш қилиб қайтиб келган" кезларда кинога кирмай, муқоваси титилиб кетган китобини ўқишга шўнғийдиган талабанинг туйғулари ифодаланади. Шеър шундай якунланади:

"...Билет топилмайди
"Ўткан кунлар"га,
Мен кирмайман.
Кирсам кўнглим
тўлмайди.
Китобим ўқийман,
Ўзим тўқийман,
Кинога ҳеч нарса
қўшиб бўлмайди."

Олимларнинг фикрича, эсини таниётган бола, энг аввало, ота ва онасини ўз идеали деб билар экан. Демак, ота-онанинг китобга бўлган муносабати фарзандларнинг ҳам китобга муносабатини белгилайди.

Бу шеърда бадиий асарнинг инсон ҳис-туйғулари, тасаввурларини тарбиялаши, унинг бадиий устунлиги акс эттирилган. Бадиий асар мутолаасида китобхон асар воқеалари замирига киришиб, унинг онги-шуури, хотираларида ўзи кўрганбилган манзаралар, ўзи гувоҳи бўлган ҳаётий лавҳалар қайта жонланади. Ўз онги саҳнасида бадиий асарни қайта жонлантиради, ижод қилади. Ҳозирги кунда китобхонлик даражаси пасайиб кетишининг яна бир боисини телесериал, кинофильмларнинг кўпайиб кетганлиги билан изоҳлаш мумкин. Санъатнинг бу турлари инсонларнинг хаёлот, тафаккур, ижодий фикрлаш қобилиятларини ўсишдан тўхтатади. Чунки бунда томошабин экранда тайёр картиналарни — ўз онгида ўзгартириб бўлмайдиган тасвирларни олади, шоир айганидек, инсон бу манзараларни ўзи тўқий олмайди.



Китобхонликнинг сусайиши сабабларидан яна бири ҳозирги кунда мактаб, лицей ёки олий ўқув даргоҳларида китоб ўқишга рағбатни кучайтирувчи тадбирларнинг деярли ўтказилмаётганлигидир. Бундай тадбирлар сирасига синф ёки гуруҳда кўп китоб ўқийдиган болани аниқлаш, ифодали ўқиш тадбирларини ўтказиш, адабий кечаларни ташкил этиш, "Баҳру байт" каби ўйинларни киритишимиз мумкин. Булардан ташқари, яна адабий тўгаракларга ёшларни кўпроқ жалб қилиш орқали ҳам китобхонлик савиясини ошириш мумкин.

Ҳозирги кунда "Шарқ гўзали", "Шаҳар гўзали" каби миллий анъаналаримизга, урф-одатимизга мос келмайдиган оврупача кўрик-танловлар ўтказиш анъанага айланмоқда. Бизнингча, ана шундай танлов-тадбирлар ўрнига "Зукколар", "Билағонлар" ёки "Ким кўп китоб ўқийди" каби кўриклар кўпроқ ўтказилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Юртимизнинг буюк келажагини барпо этиш, ёш авлодни маънавий баркамол этиб тарбиялашнинг муҳим ва асосий воситаси китоб экан, уларда бугун ана шу тарбиячига нисбатан меҳр уйғотишимиз даркор.

Элнура ЖЎРАЕВА,
талаба.

Қашқадарё вилояти

Давлат хазинасини мустаҳкамлаш қанчалик қийин бўлмасин, шарафли иш. Бунга корхона ва ташкилотлар билан бир қаторда маҳаллаларда истиқомат қилиб фаолият кўрсатаётган тадбиркорларнинг ҳам муносиб ҳиссалари бор. Солиқ ва тўловларни йиғишда фаол қатнашаётган маҳаллалар ўз навбатида бундан катта манфаат ҳам кўряптилар. Бу маҳалла олдида турган ижтимоий масалаларни ечишда, турли тадбирларни ўтказишда анчагина қўл келяпти.

СОЛИҚ ТЎЛАШ МАДАНИЯТИ:

биз уни тўлиқ ўзлаштирганмизми?

Мустақиллик йилларида соҳа ривожи учун беқиёс имкониятлар яратилди. Ҳали бизни ўйлантирадиган, ечимини топиш зарур бўлган масалалар анчагина. Аввало солиқ тўлаш маданиятини оширишимиз, бу борада пешқадам мамлакатлар даражасига эришмоқ йўлларини излашимиз керак. Бу қанчалар мушкул бўлмасин, бунга эришишимиз аниқ. Айни вақтда эса солиқларнинг йиғилиш даражасини янада яхшилаш, солиқ базасини кенгайтириш, солиқ солиш объектларини кенгроқ қамраб олиш, хуфёна иқтисод билан шуғулланиб, тараққиётимизга катта зарар келтираётган "чаққонлар"нинг пайини қирқиш, ноқонуний ҳисоб рақамларида айланаётган пул маблағлари ва нақд пул тушумларини яшираётган ҳолатларни аниқлаш, биринчи даражали тўловларни (иш ҳақи, пенсия, нафақа) зарур маблағ билан таъминлаш, қонун-қоидаларга зид равишда даромад топаётган ҳуқуқий ва жисмоний шахслар фаолиятига чек қўйиш масалалари муҳим ҳамда долзарб бўлиб турибди.

Афсуски, ҳамма ерда ҳам солиқ қонунларига тўла риоя этилмаяпти. Вилоятимиздаги айрим қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари бу соҳада бепарволик қиляптилар. Яширин цехлар, ноқонуний фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар, солиқлардан қочаётган фуқаролар қаерда? Албатта маҳаллаларда. Улар бу борада солиқ органлари билан ҳамкорликни намунали йўлга қўйсалар, давлат ҳам, аҳоли ҳам катта манфаат кўради. Самарадорлик ва таъсирчанлик бевосита қўшимча ҳисобланган солиқ ҳамда тўловлар, қўлланилган молиявий, маъмурий жарималарни ўз вақтида бюджетга ундирилишига боғлиқ экан, бу соҳадаги натижалар билан ҳам мақтана олмаймиз. Бу кўрсаткич вилоятда 79 фоизни ташкил этса, Қарши шаҳри, Деҳқонобод, Нишон, Чироқчи туманларида ундан ҳам паст даражада.

Муаммолардан яна бири қарздорлик бўлса, иккинчиси нақд пул танқислигидир. Бундан маҳаллалар аҳолиси, пенсионерлар, кам таъминланган оилалар катта азият чекишяпти.

Бу икки ҳол қай даражададир бир-бири билан боғлиқ. Корхоналарда ишлаб чиқариш йўлга қўйилса, режалар бажарилиб солиқлар вақтида тўланса, аҳоли бу соҳадаги маъсулиятни тўла ҳис этса, қарздорликка йўл қўйилмайди. Демак, нақд пул, биринчи даражали тўловлар муаммоси ҳам ўз-ўзидан ечилади. Бироқ боқиманда қарзлар миқдори камайиш ўрнига айрим туманларда ҳатто ошиб бормоқда.

Нақд пул тушумини ошириш айни пайтда ижтимоий масала бўлибгина қолмай, сиёсий аҳамият касб этмоқда. Шунга қарамасдан, вилоятдаги мутасадди ташкилотлар, маҳалла оқсоқоллари билан ҳамкорликда олиб борилаётган чора-тадбирлар хуфёна иқтисодиётни аниқлаш, нақд пул тушумини банкдан ташқари айланишини қисқартиришда кўзда тутилган натижаларни беряпти деб бўлмайди. Биз, иқтисодиётга масъул ташкилотлар ҳамкорликни янада кучайтириб, мавжуд заҳираларни мумкин қадар ишга солиб, бу соҳадаги муаммоларни ечиш чораларини кўришимиз зарур, албатта.

Н.ЖЎЛИБЕКОВ,
вилоят Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи.



МУНАЖЖИМЛАР ТАЎБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Ҳар қандай ишда фақат ўз имкониятларингиз ва ўз кучингизга ишонинг. Асло таваккал қила кўрманг, ҳозирча бундан яхши иш чиқмайди.

СИГИР(22.04-20.05)
Шу кунларда турмуш ўртоғингизнинг кўнглини олишга, у билан кўпроқ вақт бирга бўлишга ҳаракат қилинг. Бундан ўзингиз ҳам завқланасиз.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Айни кунларда сиз кўпроқ табиат қўйнида, хушманзара жойларда бўлишга ҳаракат қилинг. Бундан кучингизга-куч, ғайратингизга-ғайрат қўшилади.

КИСКИЧБАҚА (22.06-22.07)
Атрофда рўй бераётган ўзгаришлар, ислоҳотларда қанчалик фаол бўлсангиз, имкониятларингиз ҳам шунча ортади. Бошқаларга ҳам, ўзингизга ҳам яхши. Шундай эмасми?

АРСЛОН (23.07-22.08)
Жуда муҳим ҳисобланган ишларни ҳал этишда ҳам «катта»ларга суянмасликни маслаҳат берамиз. Бу ишларни ўзингиз ҳам эплашингиз мумкин.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Сиз учун ўқиб-ўрганиш вақти тугади. Энди шу пайтгача ўрганганларингизни амалиётга тадбиқ этиш, ишлаш пайти етди. Ўзингиз ҳам шундай фикрда бўлсангиз керак.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Фақат моддий манфаатдорликнинг ортидан қувманг, акс ҳолда атрофдагилар наздида сиз дунёдаги энг зиқна ва пишиқ кишига айланиб қоласиз.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Рўзғор ишларига доир ҳар қандай норозилигингизни оила аъзоларингизга дўқ-пўписа билан эмас, ёқимли ширин сўзлар билан билдиринг.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Айни кунларда турли миш-мишлар, ғийбатсифат гапларга аралашиб қолишдан сақланинг. Обрўингиз кетишидан ташқари, ишларингизга ҳам путур етказади бу.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Ўзингиздаги энг яхши фазилатларни юзага чиқариш вақти келди. Бу айниқса фарзандларингизнинг муаммоларини ҳал этишда сезилади.

КОВҒА (20.01-18.02)
Ҳар қанча эски гап бўлмасин, касбий муваффақиятларга оилавий хотиржамлик асосида эришилишини сизга яна бир бор эслатиб қўймоқчимиз.

БАЛИК (19.02-20.03)
Билим даражангизни ҳар қанча юқори баҳоламасинлар, доимо уни янада кўпайтиришга тайёр туринг. Қисқаси, бешикдан қабргача илм изланг.

"Маҳалла" жамғармаси Тошкент вилояти бўлими жамғарманинг Юқори Чирчиқ тумани бўлинмаси раиси Райхона Тўрақуловага фарзанди **Абдувосит АШИРБОЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Шайхонтоҳур тумани Боғкўча маҳалласи фаоллари маҳалла фаоли Собитжон Соиповга отаси **Фозилҳожи отанинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ТАЛАБАГА ЗАРУР САЁҲАТ

Воҳамизнинг ноёб ҳайвонот олами

ТУРОН ЙЎЛБАРСИ...

Ёз нафақат пишиқчилик, балки сайру саёҳат ва ҳордиқ чиқариш фасли ҳамдир. Ана шу фурсатдан фойдаланиб, биз, Алишер Навоий номидаги Республика Нафис санъат лицейининг бир гуруҳ талабалари, устозимиз Ҳошимжон ака Аҳмедов раҳбарлигида Самарқанд сафарида бўлдик.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган лицейимизда бундай маданий-маърифий тадбирларга алоҳида эътибор берилади. Турли кечалар, қадимий шаҳар ва обидаларимиз, зиёратгоҳларга саёҳатлар, халқимизнинг донгдор кишилари билан учрашувлар мунтазам ўтказиб турилади. Улар лицейда олган назарий билмимизни амалиёт, ҳаётий тажриба билан боғлашда жуда қўл келмоқда. Бундай тадбирлардан илмга чанқоқ синфдошларим олам-олам таассурот олишади.

Соҳибқирон бобомиз салтанатининг жамолини кўрмоқни ният этган киши Имом ал-Бухорий ҳазратлари қадамжоларини зиёрт қилмасдан ўтмайди. Биз ҳам шундай йўл тутдик.

Бунда бизни ғоят қувонтиргани — зиёратгоҳнинг гавжумлиги бўлди. Қадамжода нафақат юртимизнинг турли шаҳар-қишлоқларидан келган кишиларни, балки турфа тилда сўзлашаётган кўплаб ажнабийларни ҳам учратдик.

— Аждодларимиздан бизга дилимизда чексиз ифтихор туйғуларини уйғотадиган мана шундай ажойиб обидалар мерос қолган, — дейди нафис адабиёт муаллимимиз Ҳошимжон ака бизга. — Бугун биз бу мероснинг бир қисминигина кўрдик. Ўйлайлик, биз буюк аждодларимизга муносиб ишлар қила олаяпмизми?

Мавлуда ХЎЖАНИЁЗОВА,
Алишер Навоий номидаги Республика Нафис санъат лицейи ўқувчиси.

Мутахассис олимларнинг таъкид-лашларича, йўлбарс мушуксимонлар оиласига мансуб энг йиртқич ҳайвон бўлиб, унинг танасининг узунлиги 2,5-3 метр, думи 1 метрдан узунроқ, оғирлиги эса 390 килограммгача боради. Бу жуда эҳтиёткор, хавфли йиртқич ҳайвон ҳисобланиб, 2-6 тагача бола туғади. Бизнинг Турон йўлбарсларимиз ўзининг табиати ва юриш-туриши жиҳатидан Ҳиндистон ва Узоқ Шарқда яшовчи ўз наслидан катта фарқ қилади. Йўлбарс сувдан қўрқмайди, чўмилишни ёқтиради, сузишга ҳам анча уста. Турон йўлбарси Амударё билан Сирдарёнинг у қирғоғидан бу қирғоғига бемалол сузиб ўта олган. У кечакундуз бараварига ов қилаверади. Лекин бу айёр йиртқич кўпинча кун ботиши пайтларида овга чиқишни афзал кўради. Унинг асосий ўлжаси ёввойи тўнғизлар, тўқай буғуси, кийик, айиқ, бўрсиқ, жайронлардир. Шунингдек, бошқа ҳайвонларни, кемирувчиларни, парранда ва ҳашоратларни ҳам тутиб ейди, турли меваларни ҳам истеъмол қилади. Кези келиб қолганда хонаки қўй ва эчкиларга ҳам ҳужум қилади. Бу йиртқич ҳайвон ерга ёпишиб олиб, овоз чиқармасдан ўлжасига яқинлашиб келади, кейин эса бирдан 5-6 метр узунликка бор кучи билан сакрайди. Бу салобатли ва маккор ҳайвон йиртқич тишларининг найзадек ўткирлиги, ҳамла қилганда оёқларининг ҳатто ҳўкиз белини синдирадиган даражада бақувватлиги, узоққа ва баландга сакраш қобилияти билан алоҳида ажралиб туради.

Тарихий маълумотларнинг гувоҳлик беришича, фақат Ҳиндистоннинг чангалзорлари, Узоқ Шарқнинг қалин ўрмонларигина эмас, балки Амударё, Сирдарё, Чирчиқ дарёлари соҳилларидаги тўқай чангалзорлар, қалин қамишзорлар ҳам йўлбарслар ватани бўлган. Туркманистоннинг баъзи туманларида ҳам Турон йўлбарслари ҳаёт кечиргани ҳақида маълумотлар бор..

Бир кекса овчининг ҳикоя қилишича, йўлбарс бир қорамолни ёриб, кейин елкасида Сирдарёнинг нариги томонига олиб ўтган экан. XIX асрнинг 60-70 йилларида Сирдарё ва Чирчиқ дарёлари соҳилларидаги тўқайлар ва қамишзорларда йўлбарслар тез-тез учраб тургани, айниқса 1876-1877 йилларда Чирчиқ водийсида йўлбарслар кўпайиб кетганлиги ҳақида "Туркестанские ведомости" газетаси ҳамда "Императорского общества охоты" журналида, "Туркистанский сборник"ларда ташвишли хабарлар тез-тез босилиб турган. Ўша вақтларда Сирдарё ва Чирчиқ дарёлари ҳавзаларидаги тўқайлар ва қамишзорлар "Йўлбарслар уяси" номи билан машҳур бўлган. 1878 йилнинг октябрида Тошкентдан чамаси 6 километр наридаги Нўғойқўрғон қишлоғидаги қамишзорда 5-6 та боласи бўлган она йўлбарс яшаётгани ҳақида мақолалар ўша йиллари газета ва журнал саҳифаларида тез-тез эълон қилинган.

"Кейинги йилларда Чирчиқ водийсининг жанубий соҳилларида ҳам йўлбарслар кўпайиб бораётир, — деб ёзади ўлкашунос ва овчи Е.Смирнов. —Илгари Тошкент шаҳридан 30-40 верс узоқликдаги Қурама водийсида, Қорасув ариғининг қамишзорларида юрган йўлбарслар ҳозирда (1879 й) шаҳарга яқинлашиб, 10-15 верс нарида қамишзорда жойлашиб, аҳоли чорвасига катта зарар етказмоқда..." 1879 йилнинг октябрида катта йўлбарс ўз болалари билан Чирчиқ водийсидаги қамишзорлардан Нўғойқўрғон қишлоғига келган. Бу ердан Зангиота қишлоғи ва Ниёзбоши томонидаги қамишзорга ҳам ўтиб турган. Кўриниб турибдики, йўлбарслар ўзларига ўлжа излаб тобора Тошкент шаҳри атрофларига яқинлашган. Йўлбарсларнинг кўпи куз ва қиш ойларида Зангиота қишлоғи атрофларидаги қалин қамишзорларда яшаган. Маҳаллий аҳолининг гапларига қараганда, ҳатто бу ердаги йўлбарслар овчиларга бир неча бор ҳужум қилиб, оғир ярадор қилган. 1878 йилнинг кузида Ниёзбош қалъаси атрофида ёввойи чўчқа овлашга чиққан овчилар Ергазин ва Ломовскийлар тўсатдан йўлбарсга дуч келиб қоладилар. Овчи Ломовский шошилинч милтиғини тўғирлаб йўлбарсни отмоқчи бўлганида, йиртқич унга ташланиб ярадор қилган. Иккинчи овчи Ергазинга ҳам йўлбарс ташланмоқчи бўлиб шайланганда уни кўкрагидан отган ва йиртқич йиқилган. Оғир аҳволда ярадор ётган овчи Ломовский Ергазинга қараб, "ётган йўлбарсга яна ўқ уз", — деб қичқирган, йўлбарс ўрнидан туриб яна Ломовский томон кела бошлаган, овчи Ергазин томонидан кетма-кет отилган кучли ўқ зарбидан йиртқич жон таслим қилган. "Кейинги тўрт йил (1876-1880) ичида мен тўплаган маълумотларимга кўра, Сирдарё соҳилларида ҳамда Чирчиқ водийсида йўлбарслар сони анча кўпайган. Буни маҳаллий аҳоли уй ҳайвонларининг кун сайин кўплаб йўқолиб ва нобуд бўлаётганлигидан ҳам билса бўлади", деб ёзади "Сирдарё тўқайзорларида йўлбарс ови" мақоласининг муаллифи Е.Смирнов. Унинг ёзишича, Сирдарё тўқайзорларидаги йўлбарслар 1878 йилнинг кузидан бошлаб, Чиноз, Янгийўл, Тўйтепа, Нўғайқўрғон ва Зангиота қишлоқлари атрофларига аста-секин силжиб кела бошлаган. Ҳатто Бешёғоч даҳасидаги боғларгача ўтиб турган. Тарихий маълумотларга кўра, 1877 йилнинг август ойида Қоратепа ва Тўйтепанинг чекка қишлоқларидан 24 бош турли ҳайвонларни йиртқич йўлбарслар ёриб кетган.

Сирдарё вилояти тарихи билан яқиндан таниш бўлган ҳамда бу ердаги (1875-1900 йиллар) ўзгаришларни ўрганиб, муҳим маълумотлар тўплаган ўлкашунос ва овчи Е.Смирновнинг ёзишича, Сирдарё вилояти, Чирчиқ водийсидан ҳамда Тошкент атрофларидан 1876-1877 йиллар давомида йиртқич йўлбарслар томонидан 1477 бош қорамол, от, қўй, эчки ва бошқа уй ҳайвонлари нобуд қилинган.

Бундан 125 йил илгари Николай Жаринов тоғлик Хумсон қишлоғидан хабар қилади:

"Биз — деб ёзади у, — 1879 йилнинг 16 июнида тоққа чиқиб, айланиб, кейин Хумсон қишлоғига келиб тўхтадик. Бу ерда маҳаллий аҳолининг кўмагида чодиримизни ўрмоннинг энг манзарали жойларидан бирида тикладик. Қишлоқ аҳолиси қўрқув ва ваҳимада. Яқинда шу йиртқич бир аёлга ҳужум қилиб, беш жойидан ярадор қилиб кетган. Икки кундан кейин аёл ҳаётдан кўз юмган.

Қишлоқ аҳолиси уйларининг эшик, деразаларини ёпиб, ташқарига чиқмаганлар, кўпи том ва дарахтларга чиқиб олишган. Қишлоқ аҳолиси таёқ, панж шоха, ўроқ, болта ва тош билан қуролланиб, йиртқич йўлбарсни жисмоний йўқ қилишга отланганлар. Бир тажрибали овчи томдан туриб йиртқичга қарата кетма-кет ўқ узганидан кейин у ер тишлаган.

Йўлбарсларнинг кўпайиб кетаётганлиги ҳамда уларнинг аҳоли чорвасига катта зиён келтираётганлигидан ташвишланган мустамлака ҳукумат раҳбарлари дарҳол бунинг олдини олиш чораларини кўра бошлади. Жумладан, истеъфога чиққан рус зобитларидан ташкил топган махсус овчилар гуруҳи тузилиб, улар ўқотар қурол, ўқ-дори, ханжар билан таъминланиб, йўлбарслар катта зиён келтираётган жойларга сафарбар қилинди. Айни бир вақтда, XIX асрнинг 80 йилларида тажрибали овчи Е.Смирнов "Йўлбарслар уяси" ҳисобланган Сирдарё ва Чирчиқ дарёлари соҳилларида ов қилиш учун "Маҳаллий овчилар жамияти"ни тузиб, унга аъзо бўлганларни йиртқич йўлбарсларни овлашга шайлади. Овчи отган ҳар бир йўлбарс боши учун 15 сўмдан (ўша пайтда бир катта қўй 2-2,5 сўм баҳоланган) мукофот белгиланган, отилган йўлбарс териси овчига берилган. Ана шу пайтдан бошлаб йўлбарсларга шиддатли ҳужум бошланган. Рассом В.Верищагин Сирдарёнинг юқори қисмидаги тўқай ва қалин қамишзорларда йўлбарслар кўплигини эслатиб, бир казак ов вақтида ўн иккинчи йўлбарсни отиб ярадор қилгани, лекин йўлбарс овчи казакка ташланиб уни ёриб ташлагани ҳақида ёзиб қолдирган.

Йиртқич йўлбарсларга қирғин келтиришда маҳаллий овчилардан Масакбой, Қодировчи, Хўжабой, Тўлан, Мантиқбой, Сафар ҳамда рус зобитларидан Н.Хорошхин, Д.Зацепин, М.Григорьев, Е.Смирнов, В.Каволенколларнинг хизматлари, айниқса катта бўлган.

XIX асрнинг охири XX аср бошларида Оренбург—Тошкент темир йўлининг қурилиб ишга туширилиши билан ўлкада турли томонлардан кўчиб келувчилар ҳисобига аҳоли сони ўсди, атрофлардаги ерлар ўзлаштирилиб, тўқайзор ва қамишзорлар аста-секин камая борди, айни бир вақтда яхши қуролланган тажрибали овчилар кўпайди. Йўлбарсларнинг асосий овқати (озуқаси) бўлган — ёввойи чўчқа, тўқай буғуси, кийик, айиқ, бўрсиқ, жайрон ва бошқа жониворлар кескин камайиб кетди. Шу сабабдан бўлса керак, йўлбарслар бошқа макон — панароқ жойлар излаб, турли томонларга кета бошлаганлар. Лекин йўлбарсларнинг айримлари тоғ ва ўрмонлардан бошпана топиб, кечалари қишлоқ хонадонларига ҳужум қилиб турган. Йўлбарсларнинг узоқларга кетиб қолиши овчиларнинг овига, даромадига анча путур етказган бўлса, айни пайтда йўлбарс териси билан чайқовчилик қилувчилар учун бир мунча фойдали бўлган. Рус рассоми В.Верищагин 1867 йили Тошкент бозоридан катта йўлбарс терисини 12 сўмга харид қилганлигини ёзади. Кейинроқ 1880 йилларга келиб, катта ва чиройли йўлбарс териси 50-75 сўмгача баҳоланган. 1890-1900 йилларга келиб, йўлбарс терилари баҳоси бир неча марта кўтарилиб, 100-150 сўмгача баҳоланган.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ

Тошкент автомобил-йўллар институти томонидан Ҳасанов Ҳаётбек Анварович номига 1996 йилда берилган 108651 (рўйхат рақами 668) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар мудофаа ишлари бўлими томонидан Йўлдошева Муқаддам Абдалиевна номига берилган вақтинчалик ҳарбий билет йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги "АЛ—ГЕРАТ" хусусий фирмаси тугатилмоқда. Даъволар эълон чоп этилган санадан бошлаб икки ой мобайнида. Тел: 134-77-56.

Утерянный гос. ордер 09-02/6627 от 4.03.93. о Праве собственности Алимова Хидоят на квартиру считать не действительным.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманида рўйхатга олинган "GULOBOD — TAOM" хусусий корхонаси тугатилади. (ОКПО 19657978) (ОКНХ 71300). Даъво ва аризалар 2 ой муддат ичида. Тел: 42-65-66.

Ч.Ф. "Sharahmat" зарегистрированный С.Рахимовского района г.Ташкента реорганизуется на ООО "Sharahmat". Претензии принимаются в течении 2-х месяцев: Тел. 46-05-77.

Mahalla
Бош муҳаррир: ЧОРИ ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Расул РАҲМОНОВ, Мавлуда ҚОСИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ, Таъна берди ҚУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

6456 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-926
1 2 3 4 5
Топширилди —